

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAHSUS  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ БД – 5220100 – 2.06  
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

МАСС-МЕДИА ТИПОЛОГИЯСИ, ТЕХНИКАСИ ВА ИҚТИСОДИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот  
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчи:**

**Каримов А.** – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

#### **Такризчилар:**

**Маматова Ё.** – ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

**Ибрагимов Д.** – ЎзМТРК “Спорт” телерадиоканали бош муҳаррири

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **КИРИШ**

“Масс-медиа типологияси, техникаси ва иқтисоди” фанининг асосий мақсади талабаларга оммавий коммуникация ва ахборот воситалари (ОАВ) ҳақида батафсил маълумотлар бериш, уларнинг турлари, типологияси, техникаси ҳамда иқтисоди билан кенг таништиришни камрайди. Чунки, ҳозирги замонда оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, фотография, радио, телевидение, ҳужжатли кино, китоб, ахборот агентликлари) фаолиятини техник тараққиётдан айро холда тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун бўлажак журналистлар бу соҳанинг типологияси, техникаси ва иқтисодини яхши билишлари керак.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон ОАВ таҳририятлари олдида муҳим вазифалар турибди. Таҳририятлар, телерадиостудиялар типологик хусусиятидан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш асносида кенг аудиторияга сифатли маҳсулот етказиш билан бирга ўзини ўзи қоплаши ва фойда келтиришини таъминлашлари – ОАВ фаолияти эркинлигининг асосий иқтисодий шартидир. Мазкур фан журналист талабаларнинг ОАВ типологияси, техникаси, иқтисодиёт ва медиа-бизнесни ташкил қилиш тўғрисидаги билимларини оширишга йўналтирилган.

Қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали фаннинг ўз олдида кўйган мақсадларига эришиш назарда тутилган:

- ОАВ соҳасидаги муҳим ўзгариш ва типологик хусусиятлар;
- китоб, газета, журнал, фотография, радио, телевидение, кино, ахборот агентликларидаги янги изланишлар, (сўз, матн, рақамли сурат, овоз, тасвир, шовқин, монтаж ва бошқалар);
- техник имкониятлар даражасини ўрганиш ва ўргатиш, бундай ўзгаришлар билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан талабаларни таништириш;
- журналистик материаллар тайёрлашда замонавий имкониятлардан тўлиқ фойдалана билишга тайёрлаш;
- таҳририятда иқтисодиёт ва медиа-бизнесни юритиш асослари ўргатилади.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Масс-медиа типологияси, техникаси ва иқтисоди” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- тасвир, шовқин-овозларни ёзиб оладиган рақамли диктофон, магнитофон ва видеокамералар;

- матн, тасвир, овоз, шовқинларни монтаж қиладиган оддий ва мураккаб электрон монтаж ускуналари;
- студияда тайёрланадиган эшиттириш ва кўрсатувларни ёзиб оладиган, шунингдек, монтаж қилинган тайёр кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатадиган видеокамера, ёритиш ускуналари, монитор, пулт, режиссёр ва техник аппаратхоналари;
- эшиттириш ва кўрсатувларни овоз, шовқин, мусиқа ва тасвир шаклидан рақамли сигналларга айлантирадиган ускуналар;
- эфир орқали узатилган сигналларни қабул қилиб оладиган антенналар;
- эшиттириш ва кўрсатувларни намойиш этадиган радиоприёмник ва телевизорлар;
- воқеа содир бўлаётган жойдан шу воқеа содир бўлаётган пайтда тўғридан-тўғри эфирга узатадиган кичик (портатив) ва катта кўчма радио ва телевизион станциялар (КТС, КРС) **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- назарий билимларни эгаллаган ҳолда мушоҳада юритишни;
- электрон журналистика фаолиятида сиёсий, мафкуравий, маданий плюрализмнинг ўта муҳимлигини тушунишларига кўмаклашишни;
- мустақилликка қадар ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида республика миқёсида босма ва электрон ОАВ қамрови сезиларли даражада кенгайганлигини;
- ахборот бозорининг изчил тараққий этиши янги телерадиоканаллари, киностудиялар, безакли журналлар, интернет сайтлар пайдо бўлишига олиб келганлигини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- кўрсатув ва радиоэшиттириш, хужжатли кинофильм, фотография санъати асарларини тайёрлашга бўлган типологик, техник, иқтисодий ва бошқа асосий талабларни ўрганиш;
- уларга қўйиладиган замонавий талаблар борасида баҳслаша олиш;
- кўрсатув, радиоэшиттириш, хужжатли-публицистик кинофильмлар тайёрлаш жараёнида муаллиф, режиссёр, сценарийнавис, фотография устаси, бошловчи ва тасвирчининг вазифаларини идрок эта билиш;
- тасвирга тушириш, оддий ва мураккаб монтаж жараёнларини тушуна олиш **қўникмаларига эга бўлиши;**
- ижодий жараёндаги техник ўзига хосликларни ўрганиш асносида мустақил равишда босма ва электрон ОАВ маҳсулоти тайёрлаш учун топшириқдан – эфиргача амалга ошириладиган жараёнларни билиш;
- ОАВнинг типологик, техник хусусиятларидан келиб чиқиб кўрсатув ва эшиттириш тайёрлаш;
- хужжатли кино ва фотоасарини суратга олиш асносида муаллифга юкланадиган техник асосий вазифаларни бажариш;

- тўғридан-тўғри эфирда ишлаш муаммоларини аниқлаш ва бунда телевидение ва радио журналисти, сценарийнавис, фото устасига юкланадиган топшириқларни бера олиш;
- медиабизнес юритишнинг замонавий талабаларини қўллай билиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Масс-медиа типологияси, техникаси ва иқтисоди” – математик ва табиий-илмий фан ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Иқтисодиёт назарияси”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Жаҳон журналистикаси асослари”, “Замонавий фотожурналистика” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ОАВ типологияси кенгайиб, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, ахборот бозорининг изчил тараққий этиши натижасида медиабизнесга янги нуктаи назар билан қараш кучайди. ОАВнинг бозор талаблари асосида фаолият юритиши унинг босма ва электрон турлари, техникаси, иқтисодиёти ва маркетингида муҳим рол ўйнайди.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Масс-медиа типологияси, техникаси ва иқтисоди” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфорацион - педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот – дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон манбалар, виртуал стендлар, дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехникадан, интернетдан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, компьютер дастурларидан, теле, кино, видеожиҳозлардан фойдаланиш мумкин.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

**“Масс-медиа типологияси, техникаси ва иқтисоди” фани қуйидаги  
уч бўлимда ўргатилади:**

#### **1-БЎЛИМ.**

### **МАСС-МЕДИА ТИПОЛОГИЯСИ**

#### **Газета типологияси**

Дастлабки “газеталар пайдо бўлган “Ахборот бюрolari” – “варақалар” давридан буён газеталар босиб ўтган ривожланиш босқичларини, мазмун ва мундарижасининг ўзгариши, унинг зиммасига юкланган ижтимоий вазифалар. Газеталарнинг ижтимоий мақсад ва вазифаларига кўра таснифланиши. Тематик нуқтаи назардан таснифланиш. Газеталарнинг маъмурий – ҳуқуқий таснифи. Республика, вилоят, шаҳар, туман, корхона ва муассаса газеталари. Газеталарнинг ёш авлодга мўлжалланган турлари. Газеталарнинг чиқиш вақтига кўра таснифланиши ва уларнинг типологик хусусиятлари (тонгги – кундузги ва кечки – оқшом газеталари). Ижтимоий ҳаётда газеталарнинг тутган ўрни ва аҳамияти.

#### **Журнал таснифи**

Журналлар – оммавий ахборот воситаларининг етакчи турларидан бири сифатида. Журналларнинг дунёга келиши, ижтимоий – тарихий зарурият эканлиги. Журналларнинг умумий таснифи. Ижтимоий-сиёсий журналлар. Илмий журналлар. Илмий оммабоп журналлар. Адабий-бадий журналлар таснифи. Санъат журналлари таснифи. Ҳажвий журналлар таснифи. Болалар, ёшлар, ўсмирлар учун мўлжалланган журналлар таснифи. Журнал таҳририяти фаолияти. Журнал таҳририяти. Журнал муҳарририяти, котибияти ва бўлимлари. Журналда устувор жанрлар. Таҳририят ва муассис муносабатлари. Ижтимоий ҳаётда журналларнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Журнал чиқариш жараёнида техника, технология.

#### **Радио таснифи**

Радио-оммавий ахборот воситаларининг энг тезкор ва энг оммавий турларидан бири сифатида. Тарихи: 1895й рус олими А.С Попов томонидан ilk радио яратилгани. Радио электроника мўъжизаларидан бири эканлиги. ЭАТ (электрон ахборот тизими), шу жумладан радио электрон техника – физика қонунлари асосида ишлаши ва унга қадар бўлган оғзаки ва ёзма журналистикада фарқли ўлароқ “эфир журналистикаси”ни дунёга келтиргани ҳақида. Радиода сўз (оғзаки нутқ)нинг алоҳида муҳим роли. Мустақиллик

йилларида Ўзбекистонда радионинг тараққиёти. Нодавлат радиостанциялар. Вилоят радиолари. Ихтисослашган радиолар. Онлайн радиолар.

### **Телевидение ОАВнинг тезкор ва таъсирчан тури**

1911 йил дастлабки телевизорнинг кашф этилиши ёки “телевизион трубка”нинг ихтиро этилиши (С – Петербург, проф. Б.Л. Розинг) Телевидение тарихига бир назар: тошкентлик ихтирочилар Б. Грабовский, А. Белянскийларнинг “телефот” аппарати дунёда тасвирни узатиш ва қабул қилишнинг илк тадқиқотларидан бири сифатида. Давлат телевидениелари. Нодавлат телевидениелар. Вилоят телевидениелари. Ихтисослашган телевидениелар. Онлайн телевидениелар. Рақамли телевидение.

### **Ҳужжатли кино**

Ҳужжатли кинонинг дунёга келиши, тарихи ва тараққиёт йўли. Ахборотнинг тўлиқ ва ишончли турига бўлган ижтимоий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келгани. Ҳужжатли кинода ахборотни бир пайтнинг ўзида кўриш, эшитиш ва ўқиш хусусиятлари муштарак эканлиги. Ҳужжатли кино - давр кўзгуси. Жаҳондаги ҳозирги жараёнларни англашда ва идрок этишда ҳужжатли кинонинг аҳамияти. Жаҳонда ҳужжатли кинога бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бориши. Ўзбекистонда ҳужжатли кинонинг юксалиш босқичлари. Ҳужжатли кинонинг А.Кармен, Малик Қаюмов ва бошқа ҳужжатли кинонинг таниқли намоёндалари. Ҳужжатли кинонинг тарих зарварақларини яратишдаги аҳамияти. Ҳужжатли кинонинг нодир асарлари. Ҳужжатли кинонинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамияти.

### **Ахборот агентликлари**

Оммавий ахборот воситалари тизимида ахборот агентликларининг ўзига хос роли ва хусусиятлари. XVI асрда Венецияда дастлабки варақалар учун янгилик-хабарлар ташувчиларни “новиланат”лар деб аталиши ва XX аср бошларида телеграф маҳкамалари ташкил этилиши билан уларни “телеграф агентликлари” деб номлашга ўтилганлиги. Биринчи телеграф агентликлари – Париж Шарл Гавес агентлиги, (1825), Ап-АҚШ (1848), Вольф-Германия (1849), Рейтер – Буюк Британия (1851), РТА – Россия (1849). Ахборот агентликларнинг бошқа ОАВи билан ўзаро алоқалари. АА (ахборот агенликлари) ва дунёда ахборот айирбошлаш тажрибалари. Дунё ахборотига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бориши. Ахборот асри ва АА. Дунё воқеалари ва ахборотлари сарҳадини қамрашда ААнинг тенгсиз хизмати ва роли. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ахборот агентликлари тараққиёти (ЎЗА, “Жаҳон”, “Туркистон” ахборот агентликлари мисолида)

## **Нашриёт, китоб ва матбаачилик**

Китобнинг оммавий ахборот воситалари таснифидаги алоҳида ўрни. Китобда ахборотнинг мукамал тафсилотлари ўзига хос тарзда акс этиши. “Китоб”(китобат) – сўзининг луғавий маъноси: (деворга, тошга) ўйиб, муҳрлаб, абадий қилиб ёзиш демакдир. Китоб шу маънода ҳам ахборотни “муҳрловчи” дастхат сифатида. Китоб ҳам замондошлар ҳам келажак авлод учун хизматда. Республикамизда китоб чиқаришнинг йилдан йилга ривожланиб бориши.

## **2-БЎЛИМ**

### **МАСС-МЕДИА ТЕХНИКАСИ**

#### **ОАВ ва журналистик фаолиятда техниканинг ўрни**

Оммавий ахборот воситалари техникаси. Матбуот соҳасида техника. Газета техникасининг хусусиятлари. Журнал техникаси хусусиятлари. Журналларни безашда техника. Радио техникаси. Телевидение техникаси. Онлайн телерадиоканаллар. Интернет техникаси хусусиятлари. Интерактив журналистика ривожда ахборот технологияларининг ўрни.

#### **Матбуот техникаси**

Газета чиқариш жараёнида техника, технологиянинг роли. Немис инженери Гутенбергнинг босма станогии – техник мўъжиза бўлганлиги. Дастлабки газета ва журналларни чоп этиш техникаси. Тош босма усулда газета чоп этиш. Масъул котибнинг вазифалари. Компьютернинг газета ва журналчилик ишида тутган ўрни. Таҳрир ва корректурада компьютер техникасидан фойдаланиш. Газета ва журнал дизайни. Дизайн – иллюстрация ва корректура бўлимларининг журнал таҳририятидаги вазифалари.

#### **Фотожурналистика техникаси**

Тасвирий санъат ва фотография тарихидан. Дастлабки фотоаппаратлар. Фотасарларнинг матбуотдаги ўрни. Расмли матбуот нашрлари. Рақамли фотоаппаратлар. ТВ ишида фотографиянинг ўрни. Фотоасар ишлаш босқичлари.

#### **Радио техникаси**

Диктофон ва репортёрдан фойдаланиш. Микрофон ва унинг турлари. Динамик микрофон Тасмали микрофон. Конденсаторли микрофон. Кўмирли микрофон. Лаб микрофон. Микрофон замбарак. Эфир студияси: аппаратхона ва микрофон хонаси. Режиссер пульти. Кўчма овоз ёзиш студиялари. Кўчма



овоз ёзиш машиналари. Оддий студиялар. Магнит тасмалари. Компьютер монтажлари. Фонотека.

### **Телевидение техникаси**

Телекамера ва журналист фаолияти. Микрофон ва унинг турлари. Телевидениеда чироқ билан ишлаш. Тасвирга олиш жараёнида қўлланиладиган чироқлар. Чироқ ва фильтр. Махсус эффектларни амалга оширишда турли рангдаги чироқ филтрларидан фойдаланиш. Кўрсатув тайёрлаш жараёнида декорациянинг ўрни. Кўрсатувни тасвирга олиш жараёни. Эфир студиялари. Кўчма телевизион студиялари.

### **Монтаж – ижодий-техник жараён сифатида**

Монтаж турлари. Оддий монтаж столи ва жараёни. Оддий монтаж столи учун зарур техникалар: тасвир узатувчи магнитофон, тасвир қабул қилиб, монтаж қилувчи магнитофон (мастер), овоз колонкаси, микрофон, тасвир узатувчи магнитофон монитори, монтаж қилувчи магнитофон монитори. Мураккаб монтаж столи ва жараёни. Мураккаб монтаж столи учун зарур бўлган техникалар. Замонавий компьютер монтажлари.

### **Ҳужжатли кино техникаси**

Ҳужжатли фильм яратилиш жараёнлари. 1. Сценарий. 2. Тайёргарлик босқичи. 3. Суратга олиш босқичи. 4. Монтаж. 5. Овозлантириш. Суратга олиш техникаси. Суратга олишда ишлатиладиган техник воситалар: фотокамера, кинокамера, телекамера, объективлар, пленка ва химикатлар, овоз ёзиш ускуналари, штативлар, ёритиш ускуналари ва штативлар ҳаракатида суратга олиш учун ишлатиладиган рельс-тележклар, юқори нуқтадан суратга олиш учун кранлар, учув аппаратлари, космик суратга олиш махсус техникалар, сувости суратга олиш бокс камералари, кинотрюклар ва комбинациялашган мураккаб кадрларни суратга олиш мосламалари, овоз ёзиш пультлари, негативдан позитивга кўчириш, нусха кўпайтириш техник воситалари, экран мосламалари, овоз кучайтиргич динамиклар, кино кўрсатгич проекторлари, рақамли технологиялар ва ҳоказо.

### **Интернет журналистикаси техникаси**

Компьютер-интернет журналистикасининг негизи. Интернетнинг ижобий ва салбий жиҳатлари. Веб сайтлар ва веб порталлар. Блоглар. Интернет матбуот нашрлари. Онлайн радиолар. Онлайн телевидениелар. Компьютер техникасининг таркибий қисмлари.

## **3-БЎЛИМ**

### **МАСС-МЕДИА ИҚТИСОДИ**

#### **Ўзбекистон Республикасида ОАВ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсати. ОАВ бўйича фармонлар. Ўзбекистонда босма ва электрон ОАВлар бозори. Бозор сегментлари, нашрлар турлари.

#### **Ўзбекистонда босма ва электрон ОАВлар бозори**

Бозор сегментлари, нашрлар турлари. Ахборот агентликлари бозори. ОАВлар фаолиятини қонун билан тартибга солишнинг муҳимлиги. Ахборот органларини таъсис этиш ҳуқуқлари. ОАВни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш. ОАВларнинг ноширлик фаолиятини лицензиялаш.

#### **Тахририят, студияларнинг ҳуқуқий мақоми**

Тахририятнинг иқтисодий масъулияти, жавобгарлиги. Тахририят, студияларнинг ҳуқуқий мақоми. Тахририятнинг иқтисодий масъулияти, жавобгарлиги.

#### **Медиабизнес, медиаиқтисод, менежментнинг асосий тушунчалари**

Медиабизнес, медиаиқтисод, менежментнинг асосий тушунчалари. Журналистик ахборот – товар сифатида. Иқтисодиёт тизимида журналистнинг ўрни ва роли. ОАВни молиялаштириш ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш масалалари. Босма, нашрлар, радио, телевидение, киностудияларни маблағ билан таъминлаш манбалари

#### **ОАВни молиялаштириш ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш масалалари**

Босма, нашрлар, радио, телевидение, киностудияларни маблағ билан таъминлаш манбалари. Рекламага ажратилган маблағларнинг ўсиши.

#### **Медиамаркетинг – ОАВ фаолиятини таъминловчи восита сифатида**

Медиакорхоналарнинг бошқа корхоналардан фарқланиши (истеъмолчи билан, бозорга йуналтирилиши билан, корхонанинг ички тузилиши билан). Медиамаркетинг ОАВ фаолиятини таъминловчи восита сифатида.

## **ОАВнинг мол-мулк шакллари**

ОАВнинг мол-мулк шакллари ҳақида тушунча. Медиабизнесни олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари. Хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият(МЧЖ), акциядорлик жамияти(АЖ), очиқ акциядорлик жамият(ОАЖ), ёпиқ акциядорлик жамияти(ЁАЖ), унитар корхона ва бошқалар.

### **Медиабизнес олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари**

Ҳужжатлар пакетини тайёрлаш (низом, рўйхатга олиш ва ҳ.к.). Таъсисчилар таклифи билан ёки банкрот натижасида медиакомпанияни ёпиш, иш фаолиятини тугатиш.

## **ОАВда маркетинг ва менежмент принциплари**

ОАВда маркетинг ва менежмент принциплари. Журнал, газета, радио, ТВ, киностудиялар маркетинг компанияларининг режалаштирилиши ва ривожлантиришга қаратилган маблағ харажатлари.

### **Самарали маркетинг компанияси**

Самарали маркетинг компанияси ва хизмати. Радиостанция, телеканал, кинофотостудияда маркетинг ва менежмент хизмати. Медиабозорда рақобат. Рейтинглари ва медиабозорда янгиликнинг очиқлиги. Рақобатбардошлик ва оммабоп кўрсаткичлар

Рейтинглари ва медиабозорда янгиликнинг очиқлиги. Рақобатбардошлик ва оммабоп кўрсаткичлар. Оммабоплик ва сифатли ОАВ: престиж ва даромад омиллари. Янгича рақобат шароитида маркетинг ва менежментни олиб боришнинг қийинчилик томонлари ва муаммолари. Рейтинглари ва медиабозорда янгиликнинг очиқлиги. Рақобатбардошлик ва оммабоп кўрсаткичлар

Янгича рақобат шароитида маркетинг ва менежмент олиб боришнинг қийинчиликлари ва муаммолар. Бошқа ижтимоий уйинчилар – реклама берувчилар, мол-мулк эгалари, бошқарувчилар, лоббистларнинг турли босимлари, тазъиқи. ОАВ фаолиятининг макро ва микродаражалари. Медиабозорнинг турли ўлчовлари. ОАВ – маҳсулот ва хизмат кўрсатиш бозори сифатида. ОАВ маҳсулоти – ОАВ мазмуни, моҳияти. ОАВ ва реклама. ОАВ тури ва реклама берувчининг манфаати.

### **Тахририят маркетинги ва менежменти**

Тахририят бизнес-режаси. Бизнес-режалаштиришнинг мақсад ва турлари. Тахририятдаги молиявий оқимлар. ОАВ маҳсус индустрия ва

махсус ижтимоий институт сифатида. Ахборот бозорини ўрганиш усуллари. Горизонтал ва вертикал ўрганиш турлари. ОАВни бошқариш асослари. Сиёсий, иқтисодий, ташкилий принциплар. Иқтисодий фикрлашни шакллантириш. Таҳририятнинг иқтисодий мақсадлари. Таҳририят бизнес-режаси. Бизнес-режалаштиришнинг мақсад ва турлари. Таҳририятдаги молиявий оқимлар. Молиявий менежмент. Корхона захиралари, мол-мулки ва капитали. Таҳририят тузилмаси. Менежментнинг мақсади ва вазифаси. Таҳририят жамоаси таркибини белгилаш, унинг функциялари. ОАВ учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг хусусиятлари. Таҳририят ишини режалаштириш. ОАВ таҳририяти ходимларининг намунавий лавозим йўриқномалари. Бош муҳаррир, мухбир, таржимон ва бошқа ходимларнинг мажбуриятлари. Нашр нусхаларини тарқатиш бўлими. Газета, журналнинг обуна нархини белгилаш. Обуна компанияси. Радио, телевидение, киноаудиторияни ўрганиш, таҳлил қилиш, мулоқот ўрнатиш.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

Газета версткаси билан ишлаш.  
Газетада реклама ва суратларни жойлаш.  
Корректуралар.  
Ўзбекистон ОАВнинг таснифи  
Газета таҳририяти ва унинг таркибий тузилиши.  
Журнал таҳририяти ва унинг вазифалари.  
Газета, журнал бўлимлари.  
Газета жанрлари.  
Матбуотда журналист текширувини ташкил этиш.  
Нашриёт ва матбаа.  
ОАВда техник жиҳозлар  
Матбуотда техника  
Ахборот агентликлари фаолиятида техника  
Радиоэшиттириш тайёрлашда кетма-кетлик  
Диктафон билан ишлаш  
Радиоода монтаж  
Жонли радиоэфир техникаси  
Видеокамера имкониятлари  
Теле, кино, видеожиҳозлар  
Телевизион монтаж  
Тасвирга олиш усуллари  
Кўрсатув тайёрлашда кетма-кетлик  
Телевизион монтаж усуллари  
Жонли телеэфир техникаси  
КТС ва КРС  
Ҳужжатли кинода техника  
Интернет нашрлар техникаси  
Интернет АА  
Блоглар журналистикаси  
Ўзбекистонда босма ва электрон ОАВлар бозори.

Бозор сегментлари, нашрлар турлари.  
Тахририят, студияларнинг ҳуқуқий мақоми. Тахририятнинг иқтисодий масъулияти, жавобгарлиги.

Медиабизнес, медиаэкономика, менежментнинг асосий тушунчалари.

ОАВни молиялаштириш ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш масалалари. Босма нашрлар, радио, телевидение, киностудияларни маблағ билан таъминлаш.

Медиамаркетинг ОАВ фаолиятини таъминловчи восита сифатида.  
Медиакорхоналарнинг бошқа корхоналардан фарқланиши

ОАВнинг мол-мулк шакллари.

Медиабизнес олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

ОАВда маркетинг ва менежмент принциплари.

Самарали маркетинг компанияси.

Медиабозорда рақобат.

Рейтинглар ва медиабозорда янгиликнинг очиклиги.

Рақобатбардошлик ва оммабоп кўрсаткичлар.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машқлар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар кўзда тутилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- янги телевизион ва радио техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- масофавий (дистанцион) таълим олиш.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усуллари кўллаш талаба томонидан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Газета турлари ва структураси.
2. Газета таҳририяти: ижодий ва техник ходимлар. Корректур.
3. Газета беагаи. Дизайн. Ўзбекистон ва хориж тажрибаси.
4. Телевидение типологияси: Ўзбекистон ва хориж тажрибаси
5. Радио турлари: миллий ва халқаро ҳолат.
6. Замонавий ахборот агентликлари.
7. Интернетнинг бошқа ОАВга таъсири. Типик ўзгаришлар.
8. Ҳужжатли кино турлари.
9. Журналлар техникаси.
10. Газета техникаси.
11. Матбуот версткаси.
12. Радиомонтаж.
13. Телемонтаж.
14. Интернет сайтлар техникаси
15. Мобиль телефонлари ва ОАВ
16. ОАВ иқтисодий моделлари.Қиёсий таҳлил.
17. Молиявий менежмент
18. Маркетингнинг назарий ва амалий масалалари
19. Замонавий таҳририят маркетинги(республика, вилоят ОАВ мисолида)
20. ОАВ маркетинг ва менежменти бўйича таълим марказлари(Ўзбекистон ва хориж мамлакатлар мисолида)
21. Янги ОАВ ни лойиҳалаш ва ташкил этиш.(Йирик корхоналар мисолида)
22. Матбуот нашрлар, аудиовизуал студиялар концепциясини ишлаб чиқиш
23. Ахборот маҳсулини тарқатиш усуллари.(Бирорта медакорхонани тажрибаси мисолида)
24. Рақобат нашрларни ўрганиш усуллари
25. Ўзбекистонда аудиовизуал ва ахборот бозори
26. ОАВда бизнес-режалаштириш маҳорати
27. Ахборот бозор имкониятини, ҳажмини баҳолаш
28. Нашрларни тарқатиш стратегияси ва тактикаси

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида

- масс-медиа тизими ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза ва дарсларида модуль тизимига асосланган электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда, хусусун журналистик фаолиятда стандартлар ва соҳанинг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, босма матнлар, телевизион ва радиосценарийлардан;

- миллий ҳамда хорижий босма ва электрон ОАВ амалиётига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Босма оммавий ахборот воситаларида медиа бизнесни юритиш асослари, Амалий қўлланма. Т., 2008.
2. Қосимова Н. ва бошқ. Босма оммавий ахборот воситалари тахририятлари учун қўлланма. Т., 2008.
3. Варганова Е. Медиаэкономика зарубежных стран. М., 2003.
4. Шкондина М.В., Реснянской Л.Л. Типология периодической печати, “Аспект Пресс”, М., 2007.
5. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика, “Тафаккур”, Т., 2011.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Гуревич С.М. Редакционный менеджмент, М., 1997.
2. Гуревич.С.М. Экономика отечественных СМИ. М., 2004.
3. Джакони В.Е. Телевидение, М., “Радио и связь”, 1997.
4. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т.: ЎзДЖТУ, 2012.
5. Киверин В.И. Экономика редакции газеты. М., 2002.
6. Ким М.Н. Технология создания журналистского произведения. М. Аспект-медиа. 2001.
7. Муминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. Т.,2006.

#### **Интернет сайтлари**

1. [vitaweb.jino-net.ru](http://vitaweb.jino-net.ru)
2. [www.journalism.ru](http://www.journalism.ru)
3. [www.mediasprut.ru/public/internet](http://www.mediasprut.ru/public/internet) - Авторские публикации
4. [www.citforum.ru](http://www.citforum.ru)
5. [www.case.nnov.ru](http://www.case.nnov.ru)
6. [www.hi-edu.ru](http://www.hi-edu.ru)
7. [www.opennet.ru](http://www.opennet.ru)
8. [www.telemultimedia.ru](http://www.telemultimedia.ru)

